

	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари
	<p>Турар жой ва жамоат бинолари муқандислик ускуналарининг алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмалари</p> <p>ҚМҚ 2.02.29-98</p> <p>Расмий нашр</p>
	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш бўйича давлат қўмитаси Тошкент 1998</p>

УДҚ _____

ИШЛАБ ЧИҚДИ: ЁВАЛИ "Алоқаинвест" АЖ

МУЩАРРИРЛАР: _____

ТАСДИҚЛАШ УЧУН ТАЙЁРЛАНДИ: ЁВР Архитектура қурилиш давлат қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси пудудида ҚМҚ 2.04.20-98: "Турар жой ва жамоат бинолари мушандислик усқуналарининг алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмалари" амалга киритилиши билан ИҚМ 60-89 "Турар жой ва жамоат бинолари мушандислик усқуналарининг алоқа сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмалари Лойишдалаш меъёрлари" ёв кучини йўқотади.

КЕЛИШИЛДИ:

ЎВР Соғлиқни сағлаш вазирлиги
ЎВР ИИВ ЁХБ
"Мащаллий телеком" АК

БҶбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишқўм)	Идоравий қурилиш меъёрлари турар жой ва жамоат бинолари муқандислик ускуналари алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмалари. Лойишдаш меъёрлари.	ҚМҚ 2.04.20-98 ИҚМ 60-89 ырнига
---	---	--

Мазкур ИҚМ шаҳр ва қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойларда янгидан қуриладиган, қайта тикланаётган ва капитал (тўла) таъмирланаётган турар жой бинолари муқандислик қурилмаларининг алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмаларини лойишдашга тааллуқлидир.

1. Мазкур ИҚМ нинг талаблари объект ички тизимида ташкил этиладиган идоравий алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштиришнинг бинолардаги муқандислик ускуналарининг алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмаларини лойишдашга тааллуқли эмас.

2. Талаблари Мазкур ИҚМ билан тартибга солинган турар жой ва жамоат биноларининг алоқа ва сигнализация қурилмаларига қуйидагилар кирради:

телефон тақсимлаш тармоғи (ТФ);
симли эшиттириш тармоғи (СЭ);
телекўрсатув ва радио эшитириш (ТВ) ларнинг антеннали қабул қилиш тармоғи, бунга телекўрсатувни жамоа бўлиб қабул қилиш тармоғи (ТЖҚҚТ), телекўрсатувни жамоа бўлиб қабул қилишнинг йирик тизими (ТЖҚҚИТ) ва кабелли телекўрсатувлар тизими (КТВТ);

ёнғин сигнализация системаси (ЁС);

соқчилик сигнализация системаси (СС);

электросоатли қурилмалар (ЭС);

УЗАЛИ "Алоқаинвест" АЖ томонидан киритилган	БҶбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Давлат Қўмитасининг 199 " 8 " 31,03 даги №30 сонли буйруғи	Жорий этиш муддати 1998 " 1 " ноябрдан
--	---	---

Расмий нашр

уй фоник алоқа системаси (УФ);
алоқа ва сигнализациянинг
уйғунлашган тармоғи (УС)

3. Радио эшиттириш дастурларини олиб эшиттириш (трансляция) ёки бу дастурларни қисман олиб эшиттириш (трансляция қилиш) учун мъл-

жалланган хусусий симли эшиттириш станцияларини жамоа биноларида лойишдаш, шунингдек симли эшиттириш тармоқларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш технологик лойишдашнинг идоравий меъёрларига риоя қилган ҳолда, БҶбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги мақаллий идораларининг рухсати билан амалга оширилиши керак.

4. Биноларнинг муқандислик ускуналари алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмалари лойишларида қуйидагилар таъминланган бўлиши керак:

техник ечимларнинг прогрессивлиги;

энергетик, меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш;

хизмат кўрсатишнинг қулайлиги ва шавфсизлиги;

портлаш ва ёнғин хавфсизлиги;

ишларни индустриал усулларда ба-
жариш.

5 Муқандислик усқуналари алоқа, сигнализация ва диспетчер-лаштириш қурилмаларини лойища-лашда мазкур ИҚМ талабларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган қу-рилишдаги меъёрий шўжжатлар сис-темаси, вазирлик ва идораларнинг технологик лойищалаш электр усқуналарининг тузилиш Қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси шудудида амал қилувчи бошқа меъёрий шўжжатлар талабларини бажариш зарур.

6 Турар жой ва жамоа бинолари муқандислик усқуналарининг алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш усқуналари лойищаларида саноатда қўлаб ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси шудудида қўллаш учун сертификатлаштирилган усқуналар ва материаллардан фойдаланиш лозим.

7 Техник ерости ва ертылаларга киритилган қувур ва кабел учлари зичлаб беркитилган бўлиши керак.

8 Томлардаги киритиш тик устунчалари ва кириш қувурларини, бино деворларидаги киритиш изоляторларини, одатда, улардан, кабел ва симларни, каридорлар ва хизмат қўрсатувчи ходимлар учун қўлай бўлган бошқа хоналарга чиқарилишини таъминловчи жойларга ўрнатиш керак.

9 Томларда киритиш тик устунчаларини ўрнатиш жойлари шундай танлаб олиниши керакки, бунда симлар ва уларга мащамланган тортқилар томларда жойлашган қувурлар, эшитиш туйнуклари ва бошқаларга боришни қийинлаштирмасин.

10 Жуда қия (қиялиги 30 градусдан ортиқ бўлган) ва тўсиғи бўлмаган томларда ўрнатиладиган тик устунчаларда эшитиш туйнуклари бўлмаганда қопқоқли кириш люклари, иш майдончаси ва чордоққа

мащамланган нарвон қўвда тутилиши керак.

11 Қишлоқ жойларида шамда турур жой уйлари 1-2-қаватли шашарлар ва посёлкаларда қуриладиган биноларда, одатда, ТФ ва СЭ лини-ялари учун шаво орқали киритишлар қўвда тутилиши керак.

12 Биноларнинг муқандислик усқуналарининг алоқа, сигнализация, диспетчерлаштириш системаси қурилмалари ва электрсоатларининг усқуналарини бир хонада ўрнатилишига рухсат этилади.

13 Турар жой ва жамоа биноларидаги алоқа ва сигнализация тармоқларининг тик устунчалари ва магистрал участкаларини, одатда, зинапоя бўлмаларида, каридорларда, чордоқларда, ертылаларда, техник қаватларда ва хизмат қўрсатувчи ходимлар учун осон бўлган бошқа хоналарда ўрнатиш лозим.

14 Намунавий лойищаларда ТФ, СЭ, ТВ, ЁС, СС ва бошқа тармоқларни ўтказиш учун мўлжалланган қурилиш конструкцияларидаги каналларни симлар ва кабелларнинг шисобланган миқдорига қараб, қўвда тутиш лозим.

15 Қувурлар ва каналларнинг диаметрларини улардан ўтказиладиган симлар ва кабелларнинг сони ва диаметрларига боғлиқ шўлда 0,6 га тенг тўлдириш каэффицентини шисобга олган шўлда танлаш лозим.

16 (Қурилиш конструкция каналида), бир токчадаги бир қувурда ёки латокда ТФ, ЁС, СС, ЭС, КС, УФ, ларининг симлари ва кабелларини биргаликда ўтказилишига рухсат этилади.

ТФ ва СЭнинг кабеллари шамда симлари алошда каналларда ўтказилади ёки умумий қўтида параллел ётқизиқлар узунлигига боғлиқ шўлда улар орасидаги қўйидаги масофаларни сақлаган шўлда ўтказилади: узунлиги

70 м бўлганда 50 мм; узунлиги 50 м бўлганда 30 мм; узунлиги 20 м бўлганда 20 мм; узунлиги 10 м бўлганда 15 мм.

17 ТФ, СЭ ва ТВ тармоқлари-нинг тик устунчасидан эритиб ажратиб олишлар, одатда, панелли уйларда-электр панелда, фиштли уйларда-девор ичига ёрнатилган, цар қаватдаги тақсимлаш жавонида амалга оширилиши керак.

18 Очиқ шўлда ётказиладиган симлар ва кабеллар ер, хона поли ёки чордоқлар ёпмалари сатишдан 3 м баландликкача механик шикастланишлардан цимояланиши керак.

19 Умумфойдаланишдаги алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш тармоқларини ётказиш учун биноларда полиэтилен қувурларидан фойдаланилади.

1 табақадаги СЭ тармоқлари махсус вазифани бажарувчи алоқа тармоқлари учун метал қувурлар қўлланилиши мумкин.

20 Қувурли алоқа ётказмалари тармоқланиши ва бирикмалари учун қутилардан ёки чўвиладиган қутилардан фойдаланиш лозим.

21 Электротехник плинтусларда алоқа, сигнализация, соат ёрнатиш, телекўрсатув тармоқларини уларнинг ёваро таъсири меъёрларига риоя қилинган шўлда бирга ётказишга рухсат этилади. Электр симлари билан бирга ётказишга йўл қўйилмайди.

22 Хоналарда ТФ, СЭ ва сигнализациянинг абонентлик симларини ётказишда, одатда, каналларда, чокларда ва устўпма плиталарнинг бېшлиқларида ва девор панелларида, пол таёрлашдаги панел ва плита орасидаги бېшлиқларда, сувоқ қатлами остидаги штробаларда, плинтусларда (часпакларда) ётказиш лозим. Хизмат хоналаридаги ва хонадонларнинг хоналаридаги айрим асбобларга тармоқ-

ланиш симларини очиқ ётказишга рухсат этилади.

Ётказилган симларнинг созлиги бузилиши мумкин бўлган жойларда кабел ва симлар механик шикастланишлардан металл профил цимояланиш ёки пластмасса қувурлардан, металлшланглардан ётказилиши керак.

1. ЯШИНДАН ЦИМОЯЛАНИШ ВА ЕРГА УЛАНИШ

1.1 Тик устунлар, изоляторли металл кронштейнлар, ТВ нинг антенна қурилмалари, цаво-кабел ёгиш тросслари, шунингдек, жавонлар, кросслар, пултларнинг металл қисмлари ва алоқа, сигнализация шўлда диспетчерлаштириш қурилмаларининг бошқа метал мосламалари ерга уланиши керак. 42 В дан юқори ёвгарувчан ток кучланишига эга электр ускунаси ёрнатилган металл жавонлар, каркаслар ва бошқа металл мосламалар кучланиши 380\220 В бўлган электр тармоғининг нол симига улаш йўли билан цимояланиш нолига эга бўлиши керак.

1.2 СЭ тармоқлари линияларида вужудга келадиган хавфли кучланишлар, тоқлардан "Симли эшитиришлар линияларида вужудга келувчи хавфли кучланишлар ва тоқлардан химояланиш схемалари" ГОСТ 14857-76 га мувофиқ симли алоқа ва сигнализация қурилмалари эса "Симли алоқа қурилмалари. Линияларда вужудга келувчи хавфли кучланишлар ва тоқлардан химояланиш схемалари. Техник талаблар " ГОСТ 5238-81 бўйича цимояланган бўлиши керак.

Бунда ТФ ва СЭ тик устун-чалари, ТВ антенналари яшиндан цимояланиш умумий системасига уланиши керак.

1.3 Телекўрсатувларни жамоа бўлиб қабул қилишнинг йирик системаси ускуналарини ерга улашни

Симли алоқа стационар қурилмалари, симли эшиттириш радиореле станциялари, радиотрансляция боғламалари ва телеэшиттиришларни жамоа бйиб қабул қилиш антенналари учун ерга уланиш. Қаршилик меъёрлари" ГОСТ 464-79 га мувофиқ бажариш лозим.

"Биолар ва иншоотларни яшиндан цимоялаш бййича йъриқнома"

1.4 ТВ системаси симли алоқа ва сигнализация цамда диспетчерлаштириш қурилмасини ерга улаш қаршилиги миқдори "Симли алоқа стационар қурилмалари, радиореле станциялари, симли эшиттириш радиотрансляция боғламалари ва телекърсатувларни жамоа бйиб қабул қилиш антенналари учун ерга уланиш. Қаршилик меъёрлари" ГОСТ 464-79 га мувофиқ бййиши керак.

1.5 Алоқа,сигнализация ва диспетчерлаштириш ускуналарини ерга иш уланиши шу қурилмага тегишли техник талабларга мувофиқ бажариши лозим. "Иншоотлар ва биоларга яшинқайтаргич ьрнатиш бййича Йъриқномага РЩ 34.21.122-87 ва "Радио-объектларни яшиндан цимоялашни лойицалаш бййича йъриқнома" ИҚМ-1-77 дан фойдаланиш мумкин.

2. ТЕЛЕФОН ТАҚСИМЛАШ ТАРМОҚЛАРИ

2.1 Шацрлар, пасёлкалар, қишлоқ ацшли пунктларидаги турар жой ва жамоа биолари телефон тармоқларини (ТФ) Ывбекистон Бирлашган телекоммуникациялар тармоғи (БТТ) га улашни телекоммуникациялар тармоғи Оператори берадиган техник шартларга мувофиқ амалга ошириш лозим.

2.2 Турар жойларнинг лойицаларини ишлаб чиқишда кабелли киритиш сиғими, яширин сим ьтказиш учун керакли деталларни цър бир хонадонга бир телефон ьрнатиш

имконини цисобга олиб, амалга ошириш керак.

Намунавий лойицаларни боғ-лашда ва шахсий лойицаларни ишлаб чиқишда, кабелли киритиш сиғими лойицалашга тегишли топшириқ ва объектни телефонлаштиришга тегишли техник шартлар билан аниқланади .

2.3 Жамоа биоларида ТФ кабелларининг сиғими лойицалашга тегишли топшириқ ёки жамоа биоларини лойицалашга тегишли мавжуд меъёрлар бййича аниқланиши керак.

2.4 Турар жой ва жамоат биолари телефон тармоқлари учун одатда, пластмасса қобиқли кабелдан фойдаланиш лозим.

2.5 Лойицаларда абонентлик линияларининг электр параметрлари меъёрларининг таъминланишини цисобга олган цлда, телефон тармоғининг минимал диаметрли ток ьтказувчи симли кабелларини назарда тутиш лозим.

2.6 Биоларнинг намунавий лойицаларида симининг диаметри 0,32 мм былган кабеллардан ва симининг диаметри 0,4 мм былган ьтказгичлардан фойдаланиш лозим.

2.7 Чордоқ хонасига ва абонент хонасига цаво орқали киритиш жойларидаги симлар атмосферага чидамли изоляцияси былган ьтказгичлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

2.8 Бинога киритишлар миқдори иложи борича кам бййиши лозим.

2.9 Биоларнинг ертълаларига кабелларнинг киритишларини асбоцементли ёки пластмассали қувурлар билан бажариш керак.

2.10 Ертъла хоналарига кабел киритишлари бу хоналарга хизмат кърсатувчи ходимларнинг фақат эркин кира олиши мумкин былган холлардагина кьвда тутилиши керак.

Кира олиш мумкин бўлмаганда ёки биноларда ертылалар ва техник ертылалар бўлмаган шолда кабеллар киритишларини биноларнинг биринчи қаватларидаги зинапоя бўлмалари чуқурчаларидаги киритиш қувурлари орқали ёки ён ёхуд уй фасадлари ташқи деворлари, зинапоя бўлмалари коридорлар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг бир кеча-кундуз довомида кира олиш мумкин бўлган бошқа хоналар орқали кўзда тутилиши лозим.

2.11 Шафр (қишлоқ) тармоқ-лари кабелларининг биноларнинг ташқи деворларига киритиш жойларини ер сатҳидан 0,7м баландлиқда пластмасса найчаларда кабелларни деворларда механик шикастланишдан сақланиш учун киритиш найчасининг юқорисидан юпқа пылатдан ясалган новлар билан щимоялаб ёки ердан камида 3м баландлиқдаги метали бурчакликлар (уголник) билан щимоялашни кўзда тутиш лозим.

2.12 Тақсимлаш жавонлари биринчи қаватда ёрнатилиши керак (зинапоя майдончасидаги тамбурда, иккиёқлама ётиш жойларида ва шу каби). Биноларнинг пойдеворида ёки техник ертылалар ёки ертылаларнинг деворлари конструкцияларида кабелларни киритиш учун пластмасса ёки асбоцементли қувурлар кўзда тутилиши лозим.

1200 жуфт сифимли жавонлар учун киритиш жойида тўртта асбоцементли қувурни, 600 жуфт сифимли-учта найча қувурни, 300 жуфт сифимли-иккита найча қувурни кўзда тутиш лозим.

2.13 Тақсимлаш телефон жавони ёрнатилган бинонинг телефон тармоғи учун пластмасса ёки асбоцементли алоҳида найча қувурларни кўзда тутиш лозим зарур бўлиб, улар жавондан ертылага, техник ертылага ёки чуқурчаларга чиқарилади. Қувурларнинг диаметри ва миқдориуларда ётказиладиган

кабелларнинг миқдори ва сифими билан белгиланади.

2.14 Ертыла хонасидан тик устун (тик устун) нинг вертикал хоналарига кабел киритишни қурилиш конструкцияларидаги қўйиладиган деталлар орқали амалга ошириш лозим.

Очиқ ётказишда ертыла хонасидан чиқарилган кабел устама детал орқали зинапоя бўлмаси коридор, холл ва шу кабиларнинг деворларига ҳам қўйилган деталлар орқали чиқарилиши керак.

2.15 Узатиш системаси ускуналарини кичик сифимли телефон тизимлари коммутация қурилмаларини, абонентлик концентраторларини, барқарор ва мобил радиоалоқа ускуналарини тақсимлаш жавонларини(ТЖ) ва бошқа телемуникация қурилмасини ёрнатиш учун махсус хонадан фойдаланиш лозим. Электр шчит ёрнатилган ёки бошқа мақсадларга мўлжалланган хоналар санитария меъёрларига, техника хавфсизлигига, ёнғин хавфсизлигига риоя қилинган холдагина ва Энергоназорат, мащаллий телефон тармоғи идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан келишилгандан сўнг, фойдаланиши мумкин.

2.16 Турар жойларнинг лойищаларида абонентлик симини абонентлик тармоқларини тақсимлаш жавонидан тақсимлаш қутисигача ва тақсимлаш қутисидан хонадонгача ҳамда уни хонадонда деворга чиқариб қўйиш имконияти билан яширин шолда ётказиш учун каналлар (қувурлар) кўзда тутилиши керак.

3.СИМЛИ ЭШИТТИРИШ ТАРМОҚЛАРИ

3.1 Турар жой ва жамоа бинолари симли эшиттириш (СЭ) тармоқлари билан таъминланган бўлиши керак.

3.2 Мещмонщоналарда, ётоқхоналарда, санаторийларда, дам олиш

уйларида ва касалхоналарда уч дастурли симли эшитиришни қабул қилишни таъминлаш учун техник-иқтисодий асослашда гуруҳий қабул қилиш қурилмалари ўрнатилган уч жуфтли СЭ тармоқлари қурилмасини қанда тутиш лозим.

3.3 Турар жой ва жамоа бинолари тармоқларини шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари СЭ тармоқларига Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги маҳаллий идоралари берадиган улаш шартлари асосида уланиши зарур.

3.4 Линия қурилмаларини, шу жумладан, турар жой ва жамоа биноларининг СЭ тармоқларига уланишлари учун кабел қўшимчаларга (вставка) ва тарқатишлар, шунингдек бу тармоқларнинг электр параметрлари амалдаги меъёрлар ва қоидалар билан белгиланади.

3.5 Намунавий лойишларда бинога СЭ тармоқларини киритишда қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

тик устун (тик устун) линиясидан ёки кабел канализациясидан-шаҳар ва посёлкалардаги бинолар учун;

устунли ёки кабел линиясидан-қишлоқ аҳоли пунктларидаги бинолар учун.

3.6 Қўшма (том) ёпмада СЭ қувур қурилишларни ўрнатишда шамол юкламаларидаги титрашлар ва шовқинга қарши чора-тадбирларни қанда тутиш лозим.

3.7 Киритишлар миқдори иложи борича кам бўлиши керак.

3.8 Бино ичига жойлаштирилдиган абонентлик трансформаторларини ўрнатиш жойи унга хизмат кўрсатишнинг қулай бўлишини ҳисобга олиб танланади.

Бунда улар токчаларга, қутиларга, жавонларга ўрнатилиши керак.

3.9 Бинонинг СЭ тармоқларидан юкланишини; турар жой бинолари учун бир хонадонга бир абонентлик радиокарнайи ҳисобида қабул қилиш лозим;

жамоа бинолари учун-ўрнатиладиган абонентлик ва бошқа турдаги радиокарнайлар (товуш колонкалари), шунингдек бош телефонлари (наушниклар)нинг сон миқдоридан келиб чиқилади. Бунда бошқа турдаги радиокарнай ва бош телефонларининг сон миқдори истеъмол қилинаётган қувватга қараб абонентлик радиокарнайларининг сон миқдори ҳисобига қайтатдан саналади.

3.10 Турар жойларида радиорозеткалар:

бир ва икки хонали хонадонларда-ошхонада ва умумий хонада;

икки ва уч хонали хонадонларда-ошхонада, умумий хонада ва ётоқ хоналаридан бирида бўлиши керак. Жамоа биноларида розеткаларнинг миқдори ва ўрнатиладиган жойи лойишдашга берилган топшириқ билан белгиланади.

Касалхоналарда розеткалар ва дастурни ёвгарткичлар ҳам бир кроват олдида назарда тутилади.

Бир хонадаги ёринлар сони учтадан ортиқ бўлмаган ётоқхоналарда ва меҳмонхоналарда битта розетка ўрнатилиши керак. Тўрт ва ундан ортиқ ёринли хоналарда иккита розетка ўрнатилиши керак. Бундан ташқари, розеткалар навбатчи ходим, ва маъмур хонаси ҳамда бошқа хоналарда лойишдаш топшириғига мувофиқ ўрнатилади.

3.11 СЭ розеткалари электр розеткаларидан кўпи билан 1,0м масофада ўрнатилади.

3.12 Тармоқловчи ва чекловчи қутилар тик устунлардан тармоқланиш

жойларидаги тақсимлаш жавонларида ўрнатилиши керак.

3.13 Турар жой ва жамоа биноларида СЭ тармоқларида чекловчи ва тармоқловчи-чекловчи қутилар ўрнатилиши керак.

3.14 Бир жуфтли тармоқлардаги чекловчи қутида, шэр бир ўтказгичга биттадан шимояловчи резистор, уч жуфтли тармоқларда-шэр бир жуфт ўтказгичга (симга) биттадан резистор ўрнатилиши керак.

3.15 Чекловчи қутидан розеткаларгача бўлган симлар шлейф билан ўрнатилиши керак.

3.16 СЭ ўтказгичларининг темир симлари диаметри, симлар алмаштирилмайдиган бўлганда, 1,2 мм дан кам бўлмаслиги, алмаштириладиган бўлганда эса, 0,6 мм дан кам бўлмаслиги керак.

3.17 Ер ости кабелларининг техник ертылага ва ертылага киритилиши хизмат кўрсатувчилар учун қулай бўладиган қилиб, ва одатда, бошқа алоқа ва сигнализация тармоқларининг ер остига киритилиши билан қўшилиши керак. Бунда радиотрансляция тармоғи кабелли алоқида най қувурдан ўтказилиши керак.

3.18 Бинода хизмат кўрсатувчиларнинг кириши учун қулай бўлган техник ертыла ёки ертыла бўлмаганда бинога кабелни бинонинг шўвли томонидаги ёки ён фасадининг ташқи девори орқали киритишга рухсат этилади. Бу шўлда тупроқ остидан ёки қувур ичидан ўтказилган кабель деворга пластмасса қувур билан чиқарилиши ва девор бўйлаб 3 м баландликкача шимояловчи металл қувур билан ўтказилиши керак.

3.19 СЭ тармоқларида ясси ёки комбинацияланган махсус радио розеткалардан фойдаланиш лозим.

4. ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ВА РАДИОЭШИТТИРИШЛАРНИНГ АНТЕННА ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРМОҒИ

4.1 Мазкур бўлим талаблари 1.1, 1.2, 2 ва 3 тоифадаги телекўрсатувлар ва радиоэшит-тиришларнинг қабул қилиш системасига ("Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қабул қилиш системаларининг тақсимлаш тармоқлари. Асосий параметрлари, техник талаблар, ўлчаш ва синаш усуллари" ГОСТ 1216-83) -ТЖ ҚҚС, ТЖ ҚҚИТ, КТВТ қабул қилувчи система-ларининг антенналари ва ускуналарига тааллуқлидир.

4.2 Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қабул қилувчи тизимларининг барча участкалари (қисмлари) учун тўлқин қаршилиги 75 Ом бўлган радиочастотали кооксиал кабеллардан ёки уларга ўкшашлардан фойдаланиш лозим.

Кабелларнинг рўйхати ва уларнинг параметрлари тавсия этилаётган 1-иловада кўрсатилган.

4.3 Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг антеннали қабул қилиш тармоқлари учун ускунани қуйдагилардан келиб чиққан шўлда, танлаб олиш зарур:

мазкур жойда амалда бўлган ва режалаштирилаётган частотали телевизион каналлар ва узатувчи антенналарнинг қўтбланиш турларининг сони ва номерлари;

синов антенналарининг чиқи-шида телевизион сигналларининг даражаларини ўлчаш ва сифатини башқлаш баённомалари, улар бўлмаганда эса-қабул қилувчи антенналарнинг пасайтирувчи кабеллар чиқишидаги сигналлар даражасида саналган электромагнит майдон кучланганлигини шисоблаш натижалари бўйича;

мазкур жойдаги шамол, музли юкланишлар ва яшин фаолияти

тўғрисидаги ахборот; системанинг истиқболдаги тасвир зонасини кўрсатиб, лойишдашга бўлган техник шартлар билан;

мухандислик коммуникация-лари, тадқиқот материаллари ва шу кабилар тўғрисидаги ахборот.

4.4 ТВ қабул қилувчи тармоқларнинг асосий электр параметрлари "Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни қабул қилиш системаларининг тақсимлаш тармоқлари. Асосий параметрлари, техник талаблари, ылчаш ва синаш усуллари."-ГОСТ 11216-83 га қабул қилувчи антенналари ва ускуналари мувофиқ келиши керак.

4.5 Қабул қилувчи телевизион антенналарнинг ўрнатилиши

4.5.1 Қабул қилувчи антенналарнинг одатда, биноларнинг томида узатувчи антенналарнинг лойишланувчи системанинг геометрик марказида, бевосита кўриниши таъминланганини, хисобга олган шолда, ўрнатилиши лозим. Лойишда, тегишлича асос бўлганда, қабул қилувчи антенналарни алоқида турган таянчга ўрнатишга рухсат этилади.

4.5.2 Антенна таянчларининг турларини мазкур туманнинг шамол ва музли юкланишларига, антенна полотноларининг сон миқдорлари ва турларига, улар орасидаги йл қўйилган минимал фарқ талабларига мувофиқ аниқлаш лозим.*

4.5.3 Мачталар мащқамлашларининг йиғма мосламаларини фақат текис томли биноларда ўрнатилиши назарда тутиш лозим. Қия томларда антенна таянчларини, қабул қилиш системаларига техник хизмат кўрсатишни амалга оширувчи ташкилот билан келишув бўйича, барқарор тарзда ўрнатиш зарур.

4.5.4 Лойишнинг архитектура-қурилиш қисмида антенна таянчларини

мащқамлаш учун ишлатиладиган мосламаларни кьвда тутиш зарур.

4.5.5 Томларда мачтани мащқамлашнинг йиғма мосламаларини ўрнатишда қоплама ва устёпмалар мосламаларини, қўшимча юкланишга текшириш ва томнинг зарурий гидроизоляция қилинишини таъминлаш керак.

4.5.6 Антенна таянчларини ўрнатишда шуни назарда тутиш керакки, бунда улардан симли эшиттириш тармоғигача ва бошқа тармоқларгача масофа камида 3 м, кучланиши 960 В бўлган симларгача эса, камида 4 м бўлсин.

4.5.7 Агар антенна таянчи демонтаж қилиш ва таъмирлаш вақтида, исталган симлар ылган томонга тушириладиган бўлса, у шолда унинг асосидан симларгача бўлган масофа антенна таянчи узунлигидан катта бўлиши керак.

4.5.8 Антенна таянчларининг тортқичлари исталган вазифани бажарувчи сим устидан ылмаслиги керак. Антенна полотнолари бино томи чегарасидан ташқарига чиқмаслиги керак.

4.5.9 Мащқамлагичнинг барча мосламалари ва антенна таянчларини яшиндан шимоя қилувчи ерга улагичга уланиши зарур.

4.6.УСКУНАНИ ЎРНАШТИРИШ

4.6.1 Тик устун туридаги бош станциялар ускунасини бинонинг пастки қаватларида, одатда, махсус хоналарга жойлаштириш зарур.

Системага техник хизмат кўрсатувчи ташкилот билан келишувга кьра, ускунани биноларнинг юқори қаватларидаги махсус хоналарга жойлаштиришга рухсат этилади.

4.6.2 Тик устунларни шундай тарзда ўрнатиш керакки, бунда камида 800мм ли фойдаланиладиган ылтиш

йъллари таъминланиши, сирт томони эса табиий ёруғлик билан максимал даражада ёритилиши зарур.

4.6.3 Жавон туридаги бош станция ускунасини бинонинг пастки қаватларидаги махсус хизмат хоналарига (маъмурий хоналар, диспетчерлик ва шу каби) жойлаштириш лозим.

Бу ускунанини металл жавонларга ёрнатиш, ускунанинг бутлигини таъминлаш бййича чоралар кърилганда, рухсат этилади.

4.6.4 Деворий мосламанинг бош станцияларини, мазкур ускунани тайёрловчи-заводнинг ййишга оид кърсатмаларига мувофиқ деворга ёрнатиш лозим. Бунда ускунанинг полдан ва шипдан энг қисқа масофаси-200мм бйлиши таъмин-ланиши керак.

4.6.5 Бош станциялар ускунасига қъшимча қурилмаларни ыша хоналарда деворга, бош станция ускуналарига бевосита яқин жойда ёрнатиш лозим.

4.6.6 Антенна кучайтиргич-ларини бевосита антенна таянчларига, антенна таянчларининг мащқамлаш мосламаларига, махсус ййиш корпусига, техник қаватларда, чордоқларда ёки юқори қаватларнинг зинапоя бйлмаларида, алошда тарзда, ёрнатишга рухсат этилади.

4.6.7 Линияли ва уй кучайтиргичларни қуйидаги жойларга ёрнатишга рухсат этилади:

хизмат хоналарида;

чордоқларда;

техник қаватларда;

техник ертылаларда ва зинапоя бйлмаларида.

Хизмат хоналарида кучайтиргичларни деворда очик шрлда полдан 1400 дан 1600мм гача баландликда, шипнинг чиқик жойларидан, эшик ёки

дераза ёринларидан камида 200мм масофада ёрнатиш лозим.

Кучайтиргич билан мавжуд технологик ускуна орасидаги масофа телевизион ускунанинг шам, мавжуд технологик ускунанинг шам қулай ва хавфсиз ишлашини таъминлаши керак.

Бирга қъшилган электр жавонларда кучайтиргичлар жавоннинг ылчамлари кабелларни букилиш радиуси бййича зарур талабларни таъминлаб, ййишга имкон берадиган шрларда, ёрнатилади.

Кучайтиргичларни алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш тармоқларининг тармоқловчи, тыпловчи ва бошқа ускуналари билан биргаликда ёрнатиш тавсия этилмайди.

Кучайтиргичлар ёрнатилган жавонлар кулфлар билан ускуналаниши керак.

Линияли ва уй кучайтиргичларини чордоқларда, техник қаватларда, техник ертылаларда ва зинапоя бйлмаларида, қоидага къра, саноатда ишлаб чиқарилган металл жавонларга ёрнатиш лозим.

4.6.8 Масофадан туриб таъминланадиган, герметик ишланган кучайтиргичларни коммуникация тоннелларида, коллекторларда ва кабел канализацияси қудуқларида ва шрво линияларининг устунли таянчларида ёрнатишга рухсат этилади.

4.6.9 Магистрал тармоқлагичлар ёрнатиладиган жойларни, системанинг тузилишига боғлиқ шрлда, кабел энг кам сарфланишини таъминлайдиган тарзда, танлаш зарур.

4.7 Телевидение кабелларини ётказиш.

4.7.1 ТВ кабеллари вазифа-сига қараб пасайтирувчи, магистрал, субмагистрал, тақсимловчи тармоқ ва абонентлик кабелларига бйлинади.

4.7.2 Пасайтирувчи кабелларни ётказишда қуйидагиларни қанда тутиш керак:

қабул қилувчи антенналардан, бино томи бўйлаб бинонинг тузилиш конструкцияларидаги металл ёндаги электр алоқа кабелларини ётказиш кабелларига;

томлардан, чордоқдан, ёки техник қаватдан бош станциядаги хонагача (бинонинг биринчи қавати); қурилиш конструкцияларининг вертикал каналларида. Пасайтирувчи кабелларни симли эшиттириш симлари ва бинодаги тақсимлаш тармоғи тик устун кабеллари билан бир каналдан ётказишга рухсат этилади.

4.7.3 Бош станция хоналари юқори қаватларда жойлашганда, унга пасайтирувчи кабелларни киритишни хона устёпмасидаги махсус тешик ёки қувур бўлаги орқали бажариш керак.

4.7.4 Телекўрсатувлар кабелларини қуйидаги жойлардан ётказишга рухсат этилади:

телефон каналлациясида (ШТС билан келишилган ҳолда) алоқда каналда, 240В кучланишли симли эшиттириш тармоқлари кабеллари билан бир каналда ёки бошқа вазифани бажарувчи кабеллар билан бир каналда;

диспетчерлик хизмати кабеллари билан бир каналда;

коммуникация тоннелларида ва коллекторларида ШТС кабеллари билан бирга ёки 240В кучланишли симли эшиттириш кабеллари билан биргаликда, коллектор эгаси билан келишилган ҳолда.

Ўқов орқали кабель линияларини ётказиш техник-иқтисодий асосланиш ва телекўрсатувларнинг қабул қилувчи системаларига техник хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан келишиб, ётказишга рухсат этилади.

Оралиқнинг йўл қўйиладиган узунлигини ва элтувчи канатнинг диаметрини кабелнинг муайян маркасини, шамол ва музли юктамаларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб, аниқлаш лозим.

4.7.5 Телекўрсатувларнинг кабелларини бино ичида қуйидагича ётказиш керак:

қурилиш конструкцияларининг махсус каналларида, деворлар бўйича очиқ ҳолда, тарновларда кучланиш ва ёритиш электр тармоғи симлари ва кабеллари билан параллел равишда, очиқ ҳолда ётказишда телекўрсатувлар кабеллари улардан камида 150 мм узоқроқда бўлиши керак:

Бинонинг ҳовли томонидаги фасади ёки ёпма бўйича (уйдаги тақсимлаш тармоғи кабеллари стояги орасидан, техник ертыла, техник қават ёки чордоқ бўйича ётказиш имкони бўлмаганда).

Телевизион кабелларни ер ости каналлациясидан бино деворига чиқаришда ва фасад бўйича, кириш йўлаклари орасидаги деворлар бўйича 2,5м ва ундан ортиқ баландликда, уни очиқ ҳолда, скобалар билан маҳкамлаб, ётказиш лозим.

4.8 Телекўрсатувлар бош станциясининг махсус ажратилган хоналарига бўлган талаблар:

4.8.1 Архитектура-қурилиш талаблари:

янги қурилиш туманлари учун - минимал майдон 10,0 кв.м;

шакланган қурилиш туманлари учун - минимал майдон-6,0 кв.м, полдан устёпма моламаларининг чиқиб турувчи қисмларига бўлган минимал баландлик - камида 2,5 м (техник хизмат кўрсатувчи ташкилот билан келишувга қара хона баландлиги 1,8 м гача камайитиришга йўл қўйилади);

устёпмаларга ускуналардан тушадиган меёърдаги юкланиш, устёпма плиталарининг элтувчи қобилиятдан ортиқ былмаслиги керак. Оғирлиги устёпма плиталарининг йъл қыйилган қобилиятдан ортиқ былмайдиган қурилмалардан фойдаланишда уларни кучайтириш тадбирларини бажариш зарур;

полнинг тьшалиш тури - линолиумли;

деворларни ички пардозлаш-мой бьёқ билан, шип-сув эмульсияли бьёқ билан;

бош станция хонасининг эшигини асбест қатлами билан қоплаш ва иккала томонидан юпқа пылат тахта билан қоқиб чиқиш зарур;

бош станция хонасининг санузел ва бошқа зах хоналар остига жойлаштирилишига йъл қыйилмайди.

4.8.2 Бош станция хонасининг электр ёритилишини 6-бьлим "Электр қурилмаларини ёрнатиш қойдалари" (ЭҚБҚ) талабларига мувофиқ лойишлаш лозим.

4.8.3 Металл жавонларда ёрнатиладиган ускуналар учун паст кучланишдаги (42В) шу жойнинг ёритиш қурилмаларини ва йлчов асбобларига уланиш имкони бьлиши учун 6 А ли тока ерга уланувчи кантактли, икки қутбли розетка ёрнатишни кьвда тутиш лозим.

4.8.4 Бош станция хонасининг люменесцент лампалар билан сунъий ёритишда ёритилганлиги 150 ЛК бьлиши ва чьланма лампалар билан эса, 200 ЛК дан кам былмаслиги керак.

Доимий хизмат кьрсатувчи ходимлар былганда, "Табийй ва сунъий ёритиш" ҚМҚ 2,05,05-98 га мувофиқ, табийй ёритилишни таъминлаш талаб қилинади.

Табийй ёритилганлик коэф-фицинти (ТЁҚ) қиймати 1% дан кам былмаслиги керак.

4.8.5 Иситишни, бино иситилишининг мавжуд системасига таяниб, кьвда тутиш зарур. Бош станция хонасида иситиш тармоғи элементларида, эксплуатация қилувчи ходимларнинг доимий црзир бьлишларисиз, арматурали тьсиқни ёрнатиш ва резбали бирикмалардан фойдаланиш ман қилинади.

Хонадаги щисобланган щарорат доимий хизмат кьрсатувчи ходим хонада былганда 18° С, ходим былмаганда эса, ускунани таёрловчи - завод талабларига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

4.8.6 Станция хоналари вентиляция билан ускуналанган бьлиши керак. Щарорат 20° С былганда, йъл қыйиладиган, нисбий намлик 65% дан ортиқ былмаслиги керак.

4.8.7 Бош станциялар хоналари идорадан ташқари қьриқлашнинг марказий кузатув постларига уланадиган ёки микротуманинг диспетчерлик мажмуаси системасига уланадиган қьриқлаш сигнализацияси билан ускуналанган бьлиши керак.

4.9 Электр ускуна ва электр ёритиш.

4.9.1 Телекьрсатувлар ва радио-эшиттиришларнинг қабул қилиш системаси ускуналарини "Электр қурилмаларини ёрнатиш қойдалари" (ЭҚБҚ) га мувофиқ, шунингдек мазкур ҚМҚ да баён қилинган қьшимча талабларга мувофиқ бажариш зарур.

4.9.2 Электр таъминотининг ишончилилик даражасига кьра технологик ускуна:

бош станциялар чизиқли кучайтиргичлари масофадан таъмин-

ланувчи-ЭҚБҚ тавсифи бўйича 2-тоифага;

уйдаги тақсимлаш тармоғи кучайтиргичлари-шу кучайтиргичлар ўрнатиладиган бинонинг электр таъминоти оладиган тоифага тегишли бўлади.

4.9.3 Бош станциянинг, масофадан таъминотнинг антеннали ва линия кучайтиргичлари ҳамда блокларининг электр таъминоти бинонинг киритиш-тақсимлаш қурилмасидан мустақил линиялар бўлаб, амалга оширилиши керак. Уларнинг ўририлиши бошқа электр қабул қилгичларнинг ўририлиши билан боғлиқ бўлмаслиги керак. Ускунанинг электр таъминотини бинонинг ўририлмайдиган линиялари орқали бажаришга рухсат берилади.

4.10 Ускунани бегона шахсларнинг аралашувидан ҳимоя қилиш, ускуна ишини масофадан назорат қилиш.

4.10.1 Ускуна ўрнатиладиган барча хоналар, бегона шахсларнинг киришини истисно қилиш учун қулфланадиган эшик ва деразалар, (биринчи қаватда) темир панжаралар билан таъминланиши керак.

4.10.2 Қурилма ўрнатиладиган барча металл жавонлар қулфлаб, беркитиладиган бўлиши керак.

4.10.3 Ускунани унинг ишлашини масофадан туриб назорат қилишнинг техник воситалар билан таъминланганда, одатда, бу ахборотни телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қабул қилувчи системаларнинг техник хизматини амалга оширувчи ташкилотнинг текширув пунктига узатиш тадбирларини қўлда тутиш лозим.

"Лойиҳалаш бўйича услубий қўлланма. Телекўрсатувларни жамоа бўлиб қабул қилишнинг йирик

тизимлари" РП 6.029-1-87 дан фойдаланиш мумкин.

"Алоқа, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар қурилмалари иншоотларини йиғиш(монтаж)га тармоқ қурилиш-технологик меъёрлари" ОСТН-600-93 дан фойдаланиш мумкин.

5. ЁНҒИН ВА ҚЎРИҚЛАШ СИГНАЛИЗАЦИЯСИ

5.1 Ёнғин сигнализацияси автомат қурилмалари ўрнатиладиган хоналар турар жой ва жамоа биноларини лойиҳалашнинг тегишли меъёрлари билан белгиланади.

5.2 Ёнғин сигнализациясининг автомат қурилмаларини "Бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши автоматикаси" СНИП 2.04.09-84. га мувофиқ бажариш лозим.

5.3 Объектда ўрнатилиши лозим бўлган ЁС техник воситалари лойиҳавий шўжжатлари спецификациясига, ёки текшириш шўжжатида мос келиши керак ва йиғиш учун кириш назорати Ётказилгандан сўнг рухсат этилади, уларни ўрнатиш лойиҳада ёки текшириб чиқиш шўжжатида белгиланган жойларда, қурилиш конструкциялари элементларининг ўваро жойлашининг архитектура хусусиятларини, банд бўлган хоналар ва буюмларнинг конфигурациясини ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилиши керак.

5.4 Кўп шлейфли қабул қилувчи-назорат асбобларининг сўғими захираси, шлейфларнинг умумий сонидан 10% дан кам бўлмаслиги керак.

5.5 Ёнғин сигнализациясининг техник воситаларини йиғиш умумий лойиҳа ечимларига, тайёрловчи - корхоналар техник шўжжатларининг талабларига ва "Ёнғин қарши сигнализацияси техник воситаларини йиғишга умумий талаблар" СНИП 2.04.

09-84. ва РХМ БВМА 007-95 нинг талабларига мувофиқ бажа-рилиши керак.

5.6 Ёнғин сигнализацияси хабарлагичларини йиғиш-ёрнатиш.

5.6.1 Автомат иссиқликли ва тутунли ёнғин хабарлагичлари хоналарда шипга ёрнатилади. Объектнинг архитектура-бадий хусусиятларига кўра, хабарлагичларни шипга ёрнатишнинг иложи бўлмаганда, уларни деворларга, шипдан кўпи билан 300 мм масофадаги устунларда, хабарлагичлар орасидаги максимал йўл қўйиладиган масофаларга риоя қилинганда, ёрнатишга рухсат этилади.

5.6.2 Хабарлагичларни тросларга осиб қўйилишига биноларнинг шиплари мураккаб устёпмаларга эга бўлганда, шунингдек устёпмалар ёруғлик фонарларига эга бўлганда, рухсат этилади. Бунда троснинг букиклиги унда тик жойлашган хабарлагичлар билан шип устёпмасидан узоқлиги 300 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6.3 Хабарлагичлар турли буюмлар стеллажлари ёки штабеллари бўлган, уларнинг юқориги четлари шипдан 600 мм ва ундан кам масофада бўлганда, хонанинг штабел ёки стеллаждан ташкил топган ҳар бир зонасида ёрнатилиши керак.

5.6.4 Хабарлагичлар устёпма-лари конструкция (тўсин, плиталарнинг бикрлик қобирғалари ва шу кабилар) шипдан 400 мм дан ортиқ чиқиб турадиган хоналарда, шу конструкциялар билан чегараланган ҳар бир бўлинмада, ёрнатилиши керак.

5.6.5 Устёпма ва осма шип орасидан ётказилган симлар, кабеллар ва бошқа ёнувчан материаллар ёғиш жойларида, ёниб кетишларини аниқлаш учун қўлланиладиган ёнғин хабарлагичлари, устёпмада осма шип устида ёрнатилиши ва сигнализа-

циянинг алоҳида шлейфига уланиши керак.

5.6.6 Иссиқлик ёнғин хабарлагичлари баландлиги 9 м гача бўлган хоналарга ёрнатилиши керак.

5.6.7 Текис шипли хоналарда иссиқлик хабарлагичлар шип юзаси бўйлаб бир текис жойлаштирилиши керак.

5.6.8 Баландлиги 3,5 м гача бўлган, шиплардаги 200 дан 400мм гача чиқиб (бўртиб)турувчи қурилиш элементлари бўлган хоналарда бир иссиқлик хабарлагичи назорат қиладиган юзаси 25% камайтирилиши, лекин 15 кв. м. дан ортиқ бўлмасли керак.

5.6.9 Бир хонада камида иккита ёнғин хабарлагичлари ёрнатилиши керак.

5.6.10 Бир марта ишлайдиган иссиқлик ёнғин хабарлагичлари портлаш хавфи бўлмаган ёпиқ хоналарга ёрнатилиши керак. Бунда ҳар бир хонада (қўшма, алоҳида)бир тармоқловчи қўти ёрнатилиши керак.

5.6.11 Магнитли иссиқлик ёнғин хабарлагичлари (ЁХИП-105 туридаги) хусусий магнит майдони бўлмаган хоналарда ва конструкция элементларида ёрнатилиши керак.

5.6.12 Иссиқлик дифференциал хабарлагичларини иссиқлик манбалари яқинида ёрнатишга йўл қўйилмайди.

5.6.13 Ёнғин сигнализацияси-нинг бир шлейфга улананувчи иссиқлик хабарлагичларининг сон миқдори, ёниш жойларини ёв вақтида аниқлаш имкониятлари ва қабул қилувчи-назорат асбобининг техник тавсифлари билан белгиланиши, бироқ иссиқлик хабарлагичлари 50 та дан кўп бўлмаслиги керак.

5.6.14 Тутун хабарлагичлари ёрнатилишининг максимал баландлиги тайёрловчи-корхонанинг техник шуж-

жатларига мос келиши, лекин 12м дан ортиқ бўлмаслиги керак. Шипнинг баландлиги 3,5 метргача бўлганда ва унда ылчамлари 200 дан 400мм гача чиқиб турган тўсинлар мавжуд бўлганда, хабарлагичнинг назорат юзаси 25% га камайди, бироқ у 50 кв м дан ошмаслиги керак.

5.6.15 Ёнғин сигнализациясининг битта шлейфи билан бир қаватда жойлашган ва умумий коридор (хона)га чиқиш имкони бўлган, кўпи билан беш хона блокировкаланади. Маъмурий, жамоа, турар жой ва ёрдамчи бинолар (хоналар)учун ёнғин сигнализациясининг бир шлейфи билан умумий коридорли ёнтагача қўшма ёки алоқда хоналарни блокировкалашга рухсат этилади.

5.6.16 Ёруғлик хабарлагичларини ёрнатиш, лойицага мувофиқ, амалга оширилиши керак.

5.6.17 Ёнғин сигнализацияси қурилмаларида қўлланиладиган, қўл билан ишлатиладиган, хабарлагичлар пол сатҳидан 1,5 м баландликда ёрнатилиши керак. Хабарлагичларга эркин бориш имкони бўлиши, ёрнатилган жой етарлича ёритилиши керак. Бинолар ичида хабарлагичлар коридорларда, майдончаларда, зинапоя бўлмаларида, чиқадиган эшиклар яқинида, ыгиш йўлларида, бир биридан 50 м дан ортиқ бўлмаган масофада ёрнатилиши лозим. Хона (бино)лардан ташқарида, хабарлагичлар қулай жойларда, бир-биридан кўпи билан 150 метрдан ортиқ бўлмаган масофада ёрнатилади.

5.7 Қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси (ҚЁС) хабарлагичлар монтаж қилиш:

5.7.1 ЁҚС хабарлагичлари объектларни ичига киришдан қўриқлаш учун мўлжалланган ва ишлаш принципага кўра, цимояланаётган хонанинг дарраот даражасининг ёвгаришидан таъсирланиши мумкин.

5.7.2 ҚЁС хабарлагичларининг йиғиш-ёрнатишни қўриқлаш сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш ва қабул қилиш бўйича ишларни цамда ҚЁС ларни тайёрловчи- заводларнинг техник цужжатлари талабларига кўра олиб бориш лозим.

5.8 Қўриқлаш объекти элемент конструкциясига боғлиқ цолдаги автомат қўриқлаш хабарлагичларининг турини 2-иловани цисобга олган цолда, аниқлаш лозим.

5.9 Нуқтали хабарлагичларни (электр контактли ва магнит контактли) цар бир блокировкаланувчи элементга яширин ёки очиқ усул билан ёрнатиш керак. Нуқтали хабарлагичларни яширин ёрнатиш, қоидага кўра, боғламли элементларни блокировкалаш учун қўлланиши керак. Очиқ (осма) ёрнатиш-металл боғламда бажарилган элементларни ёки боғламсиз ойнали эшикларни тўсиш учун қўлланилиши керак.

Магнит контактли хабарлагичлардан фойдалинишда, цар бир блокировкаланадиган элементга биттадан хабарлагич ёрнатиш лозим.

Бунда хабарлагични тўсиладиган элементнинг юқори қисмида, дераза ёки эшик полотноси кесақисининг вертикал чизигидан 200 мм узоқликда, жойлаштириши лозим. Магнит узели элементнинг царакатланаётган қисмида, (эшик, дераза), магнит билан бошқарилувчи контакт (геркон) эсаннинг царакатланмайдиган қисмида (эшик ёки дераза қутисида) ёрнатилиши керак. Улар орасидаги масофа ва йўл қўйиладиган ноёқлик тайёрловчи-корхонанинг техник цужжатларига мос келиши керак.

Инерцион магнит контактли шишанинг бузилиши датчиклари (ШБД) шишада, унинг асосидан кўпи билан 2 м ва ром четидан 10-15 см масофада ёрнатилиши керак. Юзаси 4 кв. м дан ортиқ шишаларда, датчикдан

шишанинг энг узоқдаги нуқталаригача, икки метрдан ортиқ бўлмаган масофа таъминланиши учун, икки ва ундан ортиқ ШБД ўрнатилади.

5.10 Пьезоэлектрик сигнализаторлар ҳар бир яқдиг шийша полотнога биттадан ўрнатилади. Агар шийша полотнонинг диагонали 4м дан кам бўлса, у ҳолда сигнализатор полотнонинг бурчакларидан бирида ўрнатилади. Шийша полотно диагонали 4м дан ортиқ бўлса-катта томоннинг ўртасига ўрнатилади.

Сигнализаторлар ром боғламларидан камида 10мм узоқлик ўрнатилади.

5.11 Омик хабарлагичлар, одатда, юпқа деворли қурилиш тўсиқларини ва шийшаланган сиртларни транспорт ҳамда сейсмик халақитлар таъсир қиладиган объектларда қўмоялаш элементларини синдиришдан қўмоялашда блокиров-кашлари керак.

Шийшаланган сиртларни шийшанинг бузилишидан қўмоялаш, қалинлиги 0,01-0,03 мм ва 6-10 мм бўлган фольга ёки ПЭВ-2.0,12 (ГОСТ 7262-78) симлар ёрдамида бажарилиши керак, улар шийшага ички томондан ёпиштирилади.

Ёғоч, ғишт ва бошқа юпқа деворли конструкциялар шийша 0,2 кв.мм бўлган НВМ туридаги симлар, (ГОСТ 17515-72) билан блокировкаланади (қўмояланади).

Деразанинг ички металл панжараларини блокировкалаш (қўмоялаш) горизонтал ва вертикал симларнинг ўрам қадами 30-70 мм, кесими 0,2 кв.мм бўлган икки қаватли ПВМ сими билан ва ҳар 150-200мм дан тугун қилиб ўраш орқали амалга оширилади.

Симнинг панжарадаги бир симдан бошқасига ўйиши, ромнинг ёғоч боғлами бўйича штробада яширин

усулда амалга оширилиши керак. Штробада сим скоба билан маҳкамланиб, кейин шпаклёвкаланади. Скобалар билан маҳкамланган жойларда сим узунлиги 10 мм бўлган кесилмаган полихлорвинилли қувур билан қўмояланган бўлиши керак.

Ўлчамлари 20 мм дан ортиқ бўлган ячейкали ички панжаралар ва диаметри 10 мм дан кам бўлган пълатдан тайёрланган панжаралар блокировка қилинмайди, бунда шийшанинг сирти синиши ва очилиши сигнализация воситалари билан ускуналанган бўлиши керак.

5.12 Ҳар бир блокировка (қў-моя) қилинадиган элемент (дераза, эшик ва ш.к)га тармоқланиш қутисини ўрнатиш кўзда тутилади. Икки табақали эшиклар ёки дарвозалар иккита тармоқланиш қутиси ўрнатилиши кўзда тутилиши зарур. Тармоқланиш қутилари эшик кесақисига (часпакка), дераза ромларига ва шу кабиларга ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

Қурилиш конструкцияларини синдиришдан қўмоялашда, қўмояланадиган сиртнинг ҳар 5кв.м га тармоқланиш қутисини ўрнатишини кўзда тутиш керак.

5.13 Қўриқланадиган ҳар бир участкани чизиқли оптик-электрон хабарлагичлар билан блокировка қилишда, келаётган инфрақизил нурларига параллел равишда, шундай амалга ошириш керакки, бунда улар кириш учун қулай бўлган жойлар яқинидан ўтсин.

Хабарлагичлар шундай ўрнатилиши керакки, уларга тўғри тушувчи қуёш нурлари ва бошқа қучли ёруғлик манбалари таъсир этмайдиган бўлсин. Эни ва баландлиги бўйича камида 0,5 м дан бўлган нур тарқалаётган бўшлиқ ҳар қандай буюмдан тўла бўшатилган бўлиши керак.

Ёнғинни аниқлаш учун оптик-электрон хабарлагичлардан фойдаланишда, улар шипдан кьпи билан 0,3м масофада, нурларнинг шип сиртига паралелл равишда йьналтирган шлда ёрнатилиши керак.

5.14 Цажмий, радиотълқинли хабарлагичлар берк хоналарни назорат қилиши керак. Хабарлагичларнинг сон миқдори хонанинг цажми ва тузилишига боғлиқ шлда танлаб олиниши керак. Хабарлагичлар деворларга, устунларга ёрнатилиши керак. Хабарлагичларни ёрнатиш баландлиги завод-тайёрловчининг техник шароитларига боғлиқ шлда белгиланади. Бир нечта хабар-лагичлар қылланилганда, турли частота меъёрига эга хабарлагичларни ёрнатиш зарур.

5.15 Хоналар цажмларини, стеллажларни, жавонларни, сейфларни ва моддий бойликлар сақланадиган бошқа жойларни қьриқлаш учун хавфли сигналларни алоцида ажратишни таъминлаш мақсадида, аниқлашнинг турли принципларига эга былган хабарлагичлардан фойдаланиш керак.

5.16 Ёнғин сигнализациясининг қабул қилиш-назорат асбобларини (ҚНА) монтаж қилиш.

5.16.1 Қабул қилувчи-назорат асбоблари қьриқланадиган объектлар хоналарида, деворларда ёки бошқа конструкцияларда, бегона шахслар боролмайдиган жойларда ёрнатилиши керак.

5.16.2 Бир шлейфли ҚНАни ёрнатиш қуйидагича амалга оширилиши керак:

- махсус ажратилган хона былганда пол сатшидан камида 1,5 м баландликда;

- махсус ажратилган хона былмаганда, пол сатшидан камида 2,2 м баландликда.

5.16.3 Бегона кишилар кириши мумкин былган жойларда (магазинларнинг савдо заллари), бир шлейфли ҚНАни ёрнатиш, асбобнинг ишлаш қобилиятига таъсир кьрсатмайдиган металл жавонларда, уларни хизмат кьрсатиш учун қулай баландликда мащамлаб, амалга оширилади.

5.16.4 Бир объектни щимоя қилиш учун, учтадан ортиқ бир турдаги, бир шлейфли ҚНА ларни ёрнатишга йьл қьйилмайди.

5.16.5 Кьп шлейфли ҚНА ларни ёрнатиш, махсус ажратилган хоналарда столда, деворда ёки махсус конструкцияда, пол сатшидан 0,8 дан 1,8 м гача баландликда амалга оширилиши керак.

